

ҚИСКА МУДДАТЛИ ГУРУҲЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Лайло Исроиловна Аминова

Термиз давлат университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Тобора жадал қадамлар билан одимлаётган бугунги глобаллашув даврида, барча жабҳаларда улкан марралар забт этилмоқда. Биргина бугунги замонавий Мактабгача таълим ташкилотларида тарбия топаётган болажонларга билим бериш, таълим-тарбияни жараёнини тўғри ташкил этиш бугунги кун педагогида улкан маъсулият ҳиссини юклайди

Калит сўзлар: ота-она, таълим жараёни, ҳамкорлик, методлар, когнитив фаолият, шахс, педагог маҳорати.

COOPERATION WITH PARENTS IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF SHORT-TERM GROUPS

Laylo Isroilovna Aminova

Master student of Termez State University

ABSTRACT

In today's era of rapid globalization, great strides are being made on all fronts. Only in today's modern preschool educational institutions, the education of children, the proper organization of the educational process imposes a great sense of responsibility on today's pedagogue.

Keywords: parent, learning process, collaboration, methods, cognitive activity, personality, pedagogical skills.

КИРИШ

Оила ва мактабгача таълим ташкилоти бизнинг келажагимизни асосини ташкил этадиган иккита жамоат институтидир. Лекин кўпинча улар бир-бирини тинглаш ва тушуниш учун ҳар доим ҳам тушуниш, хушмуомалалик, сабр-тоқатга эга бўлмайдилар. Ҳеч кимга сир эмаски кўпгина ота-оналар фарзандининг сифатли ва самарали таълим жараёнига қизиқишади аммо педагог билан яқин ҳамкорликка эга бўлиша олмайди. Бунга аксар

педагогларнинг тажрибасизлиги, ўқув малакавий фаолиятининг етишмаслиги сабаб бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аслида бола ривожланишининг дастлабки босқичларида оиланинг тутган ўрни беқиёсдир. Болалар оилада тарбияланади ва унда юз берадиган воқеалар уларга жуда катта таъсир кўрсатади. Кичкина болалар оилага жуда боғланиб қолган бўладилар. Чунки оила боланинг жисмоний ва рухий жиҳатдан баркамол бўлишлари учун шароит яратишади. Педагоглар боланинг дастлабки тарбиячиси сифатида оиланинг бола учун етакчи ролда эканлигини тан олишлари лозим. Бола мактабгача таълим ташкилотининг қисқа муддатли гуруҳига келгунга қадар оила томонидан маданиятни, энг муҳим зарурий кўникмаларни сингдиришга улгуради. Болани мактабга тайёрлаш бола ва оила ўртасидаги шаклланган ана шу дастлабки муносабатларга таянган ҳолда ота-оналарга ушбу гуруҳ фаолиятининг барча жабҳаларида иштирок этишига имкон беради. Оила ва Мактабгача таълим ташкилотининг қисқа муддатли балки барча гуруҳларида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини олиб боришнинг концепциясининг асоси бу ғоя. Яъни мустаҳкам ҳамкорлик учун педагог томонида ишлаб чиқилган таълим жараёнига жалб қилишда аҳамиятга эга инновацион ғоялардир. Мисол учун оилани ўрганиш, ота-оналарнинг таълим эҳтиёжларини ўрганиш, унинг аъзолари билан алоқа ўрнатиш, таълимни ўзлаштириб, муваффақлаштиришнинг бола шахсига таъсири мавзусида ота-оналар билан “Мактабгача таълим ташкилоти ва оила ҳамкорлиги” анкетаси устида ишлаш. Бу усулни тўғри ташкил этиш тарбиячидан улкан педагогик маҳоратни ташкил этади. Педагог ҳафтада бир кун “очик эшиклар куни”да ота-оналарни таклиф қилиши ва таълим жараёнига иштирок этишга жалб қилиши лозим. Ишончли ахборот баъзаларини яъни, ота-налар бурчаклари, бунда ота-онанинг бурчи ва вазифалари аниқ ва тушунарли келтирилган бўлиши лозим. Бундан ташқари “гуруҳ ҳаётидан”, “Бизнинг дўстона оила”, “Оила даврасида”, “Мен аёлчи боламан” мавзусида фотокўргазмалар жамланмаси интернет тармоқлари орқали ота-она ва педагогларга улашилиши ва фикр алмашилиши мақсадга мувофиқдир. Мактабгача таълим ташкилотида олиб бориладиган ота-оналар йиғилишларида ота-оналарни таклиф қилиш ва ота-она иштирокини тўлиқ таъминлаб бера олган педагог демакки, ҳамкорликнинг сифат даражасига эришиб бошлаган.бунинг самараси эса ота-оналарнинг фарзандининг таълимига нисбатан маъсулият, ташаббускорлик ва бошқа ижобий сифатларни

шакллантириб боради. Мактабгача таълим ташкилотларидаги байрам эрталиклари бу катталар ҳам болалар ҳам биргаликда баҳам кўрадиган қувончли байрамлардир. Бола учун ота-она энг азиз ва энг яқин инсонлар ҳисобланишади. Улар фарзанди билан фахрланишини, бирга рақсга тушишни, ўйинлар ўйнашни, раҳбатлантирилишини хошлашади. Йиллар ўтиб болалар фестивалда куйлаган қўшиғини унутиши мумкин, аммо уларнинг хотираларида ота-онаси билан илиқ яқинлиги, ҳамдарди ва қувончлари сақланади. Оила ва таълим ташкилотининг ўзаро алоқалари, ижтимоий таъсири ҳақида рус педагоги Сухамлинский шундай дейди. “мактабгача ёшдаги бола ўзини ота-онасининг ҳукмлари ва баҳолари ва ҳатти-ҳаракатлари орқали ўзини ва бошқа одамларни кашф ва тасдиқлаш деярли ўз оиласи билан ўзини таништиради”. Шунинг учун у таъкидлаганидек оила ва таълим даргоҳи бир-бирлари билан алоқани сақлаб турса, педагоглар ва ота-оналар ўртасида ишонч ва ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам бўлса таълим-тарбия самарадорлиги муваффақиятли амалга ошади. Оилаларни жалб этиш мактабга тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳда боланинг билим олиши, бола қизиқишлари ва уйдаги таълим-тарбия натижаларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси ота-оналар билан суҳбат чоғида дастур талабларига таянади, ота-онанинг педагогик лаёқати ва оилавий тарбия хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланмаларда бериладиган тавсия ва маслаҳатлардан ижодий фойдалана олиши лозим.

Суҳбат икки томон- тарбиячи билан ота-онанинг мулоқотидир. У фикр алмашишга, муҳокама қилинаётган масалаларда ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнатилишига ёрдам бериши керак. Бунда муҳими, тарбиячи томонидан хайрихоҳлик, эркинлик муҳитининг яратиши лозим. Оилаларда болани мактаб таълимига тайёрлаш турли усулларда олиб борилади. Баъзи оилаларда болалар билан кўп шуғулланилса ҳам, бу асосан ўқув машғулотларидир, яни ҳуснихат ёзуви, алифбе ўргатиш, турли адабиётлар ўқиб бериш бўлиб, мактабгача ёшдаги болалар учун айниқса муҳим бўлган сюжетли ўйинлар, ҳаракат фаоллиги, тасвирий фаолиятга оид ишлар билан шуғулланмайдилар. Бошқа оилаларда болани ўйинчоқлар ва телевизор билан яккама-якка қолдириб, бу унга ёқади ва ривожланиши учун етарли билим беради деб ҳисоблашади. Натижада айрим ҳолларда қисқа муддатли гуруҳларга ривожланишида муайян муаммолари, мустақил фаолиятни етарли даражада амалга ошира олмайдиган,

мақсадга эришиш учун иродаси бўш, ўзаро ҳурмат, умумқабул қилинган меъёр ва қоидалар асосида бошқалар билан амалга ошириладиган фаолиятни ташкил эта олмайдиган болалар қабул қилинади. Бундан ташқари айрим болаларда сенсор кўникмаларни, тасаввурларнинг ривожланмагани, ҳиссиёт оламининг қашшоқлиги кузатилади. Бунга сабаб эса турли-туман оила муҳитининг бола ижтимоийлашувига таъсири десак муболаға бўлмайди. Болаларда кузатиладиган ушбу хусусиятларни таълим жараёнида педагог бефарқ бўлмасдан инобатга олиши лозим. Ота-оналарнинг Мактабгача таълим фаолиятига жалб этилиши болаларга ҳам, ота-оналарга ҳам Мактабгача таълим ташкилотига ҳам фойда келтиради. Мулоқот ўзаро ҳурмат, турфахилликни, бола манфаатларини эътироф этиш самарали ҳамкорликка асос бўлади. Самарали ҳамкорлик шакллантирилиши учун педагоглар ва ота-оналар ўзларида янги кўникма ва билимларни ривожлантиришлари керак. Педагог учун оила шунчаки таъсир объекти сифатида хизмат қилмаслиги лозим. Ота-оналарнинг педагогик жараён доирасига, уларнинг фаол иштироки ўз боласини ривожланиши учун керакдир.

МУҲОКАМА

Фарзанди қисқа муддатли гуруҳда таълим олаётган ота-оналар билан ҳамкорлик доирасида педагог томонидан бир қанча имкониятлар яратилган бўлиши лозим.

Ота-оналар учун қулай вақтда оилаларга ташрифни режалаштириш, педагогга болалар ва ота-оналар билан улар учун одатий вазиятларда танишиш имконини беради.

Ота-оналарга болалари қандай ишлаётгани ва ўйнаётганини кўриш учун истаган пайтда гуруҳга ташриф буюриши учун имкониятлар яратиш лозим.

Ота-оналарни гуруҳда болалар билан биргаликда шуғулланиши учун таклиф қилиши, болалар портфолиоси билан таништириб, фикр алмашишларига имкон яратиш керак.

Ота-оналар билан биргаликда тадбирлар, болалар ишлари кўргазмаларини ташкил этишни режалаштириш.

Боланинг миллий ва минтақавий маданиятини ўрганишга мўлжалланган музейларга ота-оналар билан биргаликда ташриф буюришлари лозим.

ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда бугунги кун педагоги таълим-тарбия жараёнида ҳам, ота-оналар билан ҳамкорликда ҳам самарага эришишлари учун ўз устларида тинимсиз ишлашлари ва билим салоҳиятлари юқори даражада бўлиши лозим. Зеро, эртанги кун буюклари, даҳолари илк билмларни Мактабгача таълим ташкилотида олади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларга қўйиладиган “Давлат талаблари”. 2018-йил 3-июль.
2. “Илк қадам” давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил
3. мактабгача таълим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятини ташкил этишда тарбиячиларни тайёрлаш бўйича тренинг модули.. Т.: 2017 й.
4. Назарова Ф. “Мактабгача таълим муассасаларида психологик хизмат ва меъёрий ҳужжатлар”. 2017 й
5. М.Норбошева
6. Назирова Г.М “Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш” ўқув қўлланма 2014 й
7. Ф.Қодирова, Ш.Тошпўлатова, М.Аъзамова “Мактабгача педагогика” Ғ. –Т.; “Маънавият” 2013 й.